



БУГУН – ХАЛҚАРО НОГИРОНЛАР КУНИ

МЕҲР ВА КЎМАК ЧЕГАРА БИЛМАЙДИ



4

8 ДЕКАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ
ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН



ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ МУСТАҲКАМ КАФОЛАТИ

Янги Конституциямизда Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат экани аниқ-тиниқ белгилаб қўйилди. Бу давлат қурилишида мутлақо янги фалсафа бўлиб, унинг марказида инсон, унинг манфаатлари, кадр-қиммати, фаровонлиги ва ривожланиш имкониятлари туради. «Инсон қадри ҳамма нарсадан устун» деган эзгу тамойил эса, аввало, эҳтиёжманд қатламларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ижтимоий сиёсатда яққол ифодасини топмоқда.

► (3-бетда)

ФРАКЦИЯ МУҲОКАМАСИ

2026 ЙИЛ УЧУН ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ЛОЙИҲАСИ БИРИНЧИ ЎҚИШДА ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ



ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ФАҚАТ РАСМИЙ РАҚАМЛАР ТўПЛАМИ ЭМАС, У МУҚАДДАС ҲУЖЖАТ. УНИ МУҚАДДАС ҲУЖЖАТГА АЙЛАНТИРАДИГАН НАРСА ҚОҒОЗИ ЁКИ СОН-САНОҚЛАРИДА ЭМАС, БАЛКИ ЎША ҲУЖЖАТ ОРТИДАГИ ФУҚАРОЛАРНИНГ УМИДИ, МУТАСАДДИ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МАСЪУЛИЯТИ, ЖАМИЯТНИНГ ШАФФОФЛИК ВА АДОЛАТГА БўЛГАН ИНТИЛИШИДИР.

► (Давоми 2-бетда)

ИФТИХОР



ВАТАН ШАЪНИНИ ЖАВОҲИРЛАР ЮКСАККА ҚўТАРАДИ

► (8-бетда)

Эски уйлар ўрнига янги уйлар:

РЕНОВАЦИЯ НИМА БЕРАДИ?

7



ОБУНА — 2026



ЭНДИ
"O'zbekiston
ovozi"
ГАЗЕТАСИГА



CLICK ВА Payme

ИЛОВАЛАРИ ОРҚАЛИ ОБУНА
БўЛИШИНГИЗ МУМКИН.

Мурожаат учун телефон: (71) 239-12-14

ОБУНА ИНДЕКСИ – 220

2026 йил учун давлат бюджети лойиҳаси биринчи ўқишда қўллаб-қувватланди

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Агар мамлакат бюджети ҳар бир фуқаро манфаати учун хизмат қилса, у ҳолда у ҳақиқатдан муқаддас ҳужжат даражасига кўтарилади. Шу маънода бюджетни халқнинг орзу-умидлари, интилишлари, келажак режаларининг давлат миқёсидаги таржимаси, десак тўғри бўлади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямиз йиғилишида 2026 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда партиямиз дастурий мақсадларидан келиб чиқиб муҳокама қилинди.

Лойиҳада мамлакат иқтисодиёти 2026 йилда 6,6 фоизга ўсиши прогноз қилинмоқда. Ўзбекистон Республикаси номидан ва давлат кафолати остида ташқи қарзларни жалб қилиш бўйича йиллик имзоланадиган янги битимларнинг чекланган ҳажми 5,0 миллиард АҚШ доллари этиб белгиланмоқда.

Келгуси йилда Давлат бюджети харажатлари 402,4 триллион сўм бўлиши кутилмоқда ва ундан иш ҳақи, ижтимоий нафақалар ва унга тенглаштирилган тўловлар учун 172,8 трлн сўм маблағ ажратиш режалаштирилмоқда. Бюджетдан ижтимоий соҳага 220 трлн сўм йўналтирилиши кўзда тутилмоқда. Бу жами харажатларнинг 54,7 фоизини ташкил этади. Хусусан, нафақалар, моддий ёрдам ва аҳолига бошқа имтиёзли тўловлар учун 17 триллион ажратилиши белгиланмоқда.

ФРАКЦИЯ МУҲОКАМАСИ



Йиғилишда депутатлар ҳукумат вакиллари, мутасадди ташкилотлар масъуллари билан Давлат бюджетига кўзда тутилаётган таълим, соғлиқни сақлаш, иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, транспорт соҳаларидаги режалар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдириб, мутасаддилар билан савол-жавоблар ўтказишди.

Жумладан, фракциямиз аъзоси Дилбар Мамаджанова келгуси йилда ҳам темир йўл орқали маҳаллий йўналишларда йўловчи ташиш хизматларини кўрсатишда кўрилган зарарни қоплаш учун Давлат бюджетидан 700 миллиард сўм ажратиш

кўзда тутилганига эътибор қаратди.

Маълумки, бугун аҳоли орасида темир йўл транспортига талаб кундан-кунга ортиб бормоқда. Депутатимиз шундай вазиятда вазирлик маҳаллий йўловчиларни ташиш йўналишида қачон даромадга чиқишни режалаштираётгани ва бунинг учун қандай чора-тадбирлар кўриляётгани ҳақида сўради.

Саволга жавоб берган Транспорт вазирлиги мутасадди вакили бу вақтинчалик ҳолат эканлиги, келажакда бу йўналишда бюджетдан маблағ олиш тугатилишини билдирди.

Лекин фракциямиз аъзолари масъул

томонидан келажакда амалга оширилиши режалаштирилган чора-тадбирлар ҳақида етарлича маълумот берилмагани, савол очиқ қолганини қайд этиб, келгусида вазирлик томонидан фракциямизга асосли жавоб берилиши сўралди.

Фракциямиз аъзоси Одилжон Иминов кўшилган қиймат солиғидан тушадиган даромаднинг бир қисми маҳаллий бюджетларга қолдирилаётганини рағбатлантирувчи ҳолат, деб таърифлади. Депутатимиз маҳаллий бюджетга қолдирилаётган маблағлар қандай тақсимланиши, хусусан, ўша маблағдан қанчаси ижтимоий соҳага ажратилиши мумкинлиги билан қизиқди.

Саволга жавоб берган масъулнинг келтиришича, 2026 йилдан бошлаб академик лицей ва техникумларни сақлаш, умумтаълим мактабларини қуриш, таъмирлаш маҳаллий бюджетлардан молиялаштирилади ва ўша маҳаллий бюджетларда қолдирилаётган тушумлар айнан ушбу харажатларга йўналтирилиши режалаштирилган.

Бюджет лойиҳаси муҳокамаси давомида фракциямиз аъзолари Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастурий мақсадларида устуворлик касб этадиган соҳа ва йўналишларга ажратилаётган маблағлар, кўзда тутилаётган марралар ҳақида лойиҳа ижодкорлари билан қизгин муҳокама олиб борди. Масъуллар ҳам ҳар бир билдирилган фикр ва йўлланган саволларга атрофлича жавоб беришди.

Депутатлар 2026 йил учун Давлат бюджети лойиҳасини биринчи ўқишда қўллаб-қувватлашга овоз бериб, бу ҳақда фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.



Бугун бутун дунёда иқлим ўзгаришлари аҳоли турмуш сифатига, иқтисодиётга ва ижтимоий ҳаётга турли даражада салбий таъсир кўрсатмоқда. Экологик вазият билан боғлиқ муаммолар нафақат мутахассислар, балки оддий аҳоли ўртасида ҳам жиддий хавотир уйғотмоқда. Чунки ҳаводаги ифлосланишнинг ўсиши, чанг-ғуборли кунларнинг одатий ҳолга айланиб бораётгани одамларнинг соғлиги, кундалик ҳаёти учун турли хавфларни юзага келтиряпти.

Ҳаммамиз ҳис қиляпмиз: ҳавода тиниқлик йўқ, нафас олганда енгиллик йўқ. Бу ўзгаришлар нафақат табиатга, балки одамларнинг одатий турмуш тарзига, саломатлигига хавф солмоқда.

Ҳаво сифатининг пасайиши, аутоуловлар сонининг кескин кўпайиши, қурилиш майдонларидан тарқаладиган чангнинг чекланмаслиги, завод ва корхоналар томонидан атмосферага зарарли чиқиндиларнинг чиқарилиши мураккаб экологик муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шу маънода минтақамизда экологик муҳитни асрашни асло кечиктириб бўлмайди. Агар бугун жавоб қайтарилмаса, эртага муаммо янада кескинлашиши мумкин.

Айтиш керакки, давлатимиз раҳбарининг “Тошкент шаҳрида экологик вазиятни яхшилаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони мамлакатимизда экология борасида янги бошланган тўб ўзгаришларнинг ҳуқуқий асоси бўлди. Аҳоли бу ҳужжатни жуда зарур қарор сифатида қабул қилди. Чунки кўп йиллар давомида тўпланиб келган экологик муаммоларга эндиликда тизимли ва қатъий ёндашув тақлиф этилди. Бир-икки тadbир билан бу борадаги муаммоларни ҳал этиб бўлмаслиги ҳаммага маълум.

Энг муҳими, айнан Тошкент каби миллионлаб аҳоли яшайдиган шаҳарда экологик вазиятни яхшилаш учун дастлабки қадам давлат раҳбари томонидан шахсан бошлаб берилгани жамиятда масъулият ва ишончни янада оширди.

Фармонга асосан, пойтахтдаги экологик муаммоларни тизимли ҳал этиш мақсадида махсус комиссия тузилди. Ушбу комиссия жамоатчилик ва мутахассислар тақлифларини инобатга олган ҳолда, экологик талабларни кучайтириш, ҳаво ифлосланишини камайтириш, яшил ҳудудларни кенгайтириш ва транспорт ҳамда саноат чиқиндиларини чеклаш бўйича амалий вазифаларни ишлаб чиқади.

ХДП баёноти:
Атроф-муҳитни асрашда ижтимоий мулоқот ва жамоат назорати механизмини кенг жорий этиш лозим

Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Тошкент шаҳрида экологик вазиятни яхшилаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони бу борадаги устувор вазифаларни белгилаб бергани билан жуда ижтимоий аҳамиятга эга ҳужжат бўлди.

Аввало, ушбу Фармонда энг муҳим экологик вазифалар белгиланишида кенг жамоатчилик вакилларининг тақлиф-мулоҳазалари ҳисобга олинганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Фармонга мувофиқ, Тошкент шаҳрида экологик вазиятни яхшилаш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича махсус комиссия тузилди. Махсус комиссия қурилиш ишларини амалга оширишга чеклов ва уларга талаблар жорий қилиши, шу жумладан, қурилиш вақтида чангни бартараф этувчи

ЭКОЛОГИЯ — ҲАММАМИЗГА ТЕГИШЛИ ЖАВОБГАРЛИКДИР

ускуналарни ўрнатиши ва бошқа талабларни белгилаши муҳим аҳамиятга эгадир.

Махсус комиссиянинг унга юклатилган вазифалар ва берилган ваколатлар доирасида қабул қилган қарорлари, кўрсатмалари барча давлат органлари ва ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари, юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурий ҳисобланиши экологик барқарорликка эришишда тезкор чоралар кўрилишига асос бўлади.

Халқ демократик партияси мазкур фармонни реал эҳтиёжларга мувофиқ равишда аҳолини ижтимоий ва экологик муҳофазалаш бўйича энг зарур пайтда қабул қилинган ҳужжат, деб ҳисоблайди.

Шу билан бирга, ўз дастурига мувофиқ, давлат ва жамият томонидан иқтисодий ривожланишни назорат қилиш ҳамда тартибга солиш лозимлигини таъкидлайди.

Ушбу мақсадда иқтисодиётда таркибий ислохотларни амалга

ошириш ва янги технологияларни жорий этиш масалалари бўйича барча жабҳаларда ижтимоий мулоқот ва жамоат назорати механизмини жорий этиш, мазкур жараёнларни аҳолининг меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик даражаси ва ишлаб чиқаришнинг экологик тозаллигини таъминлаш билан уйғунликда олиб бориш зарурлигини қайд этади.

Белгиланган долзарб вазифаларни сифатли амалга ошириш, мураккаб экологик вазиятда аҳолининг эҳтиёжманд қатлами, хусусан, болалар ва нуронийларни муҳофазалаш бўйича айрим чоралар кўрилиши кераклигини илгари суради.

Биринчидан, пойтахтимизда ва бошқа шаҳарларда нуронийлар учун ҳордиқ чиқариш имкониятларини кенгайтириш, зарур ҳолларда уларга тезкор тиббий ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш чораларини кўриш муҳимдир.

Иккинчидан, таълим муассасаларида, машғулотлар ва дарс хоналарида ҳавони тозалаш

чораларини кўришга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Халқ демократик партияси парламентдаги фракцияси, халқ депутатлари Кенгашларидаги гуруҳлари ва ҳудудий ташкилотлари билан бирга экологик вазиятни яхшилаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларнинг сифатли бажарилиши учун кенг жамоатчилик ва таъсирчан депутатлик назоратини амалга оширишга киришади.

Ҳақиқатан ҳам, мазкур фармон Тошкентнинг бугуни ва келажакни экология жиҳатидан барқарор, қулай ва соғлом шаҳарга айлантириш учун мустаҳкам асос яратди.

Бу борада давлат ва жамият ҳаракатлари бирлашиши керак, деб ўйлаймиз. Бир киши ташлаган чиқиндидан, бир инсон ёққан оловдан, бир маҳаллада чангланишга бефарқ қарашдан экология бузилиши, катта муаммолар келиб чиқиши мумкин. Келинг, биргалашиб бунга бефарқ бўлмайлик.

Аввало, “экологияни асраш мендан бошланади”, деган фикр онгимизда шаклланиши зарур. Чунки шахримиздаги, юртимиздаги ҳаво сифати авваламбор, бизнинг кунлик одатларимизга, бефарқ ёки масъулиятли муносабатимизга ҳам бевосита боғлиқ.

Давлат йўлни очади, механизм яратади, назорат қилади. Лекин унинг ҳаётга татбиқ этилиши ҳар биримизнинг онгли ёндашувимиз ва масъулиятимизга боғлиқ.

Саҳифани “Ўзбекистон овози” муҳбири Лазиза ШЕРОВА тайёрлади.



8 ДЕКАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ МУСТАҲКАМ КАФОЛАТИ



Ирина ТОКАРЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Хусусан, ногиронлиги бўлган шахслар учун қулай муҳит яратиш, сифатли таълим, тиббий ёрдам, реабилитация, бандлик ва жамият ҳаётида тўлақонли иштирок этиш имкониятларини белгилловчи қоидалар мустаҳкамланди. Пенсиялар ва кекса авлод вакиллари учун қўшимча қўллаб-қувватлаш чоралари жорий қилинди, ижтимоий ҳимоя, тиббий хизмат ва муносиб турмуш шароитлари стандартлари

Давлат фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, уларни ишсизликдан ҳимоя қилиш, шунингдек, камбағалликни қисқартириш чораларини кўради. Давлат фуқароларнинг касбий тайёргарлигини ва қайта тайёрланишини ташкил этади ҳамда рағбатлантиради.

**Ўзбекистон
Республикаси
Конституцияси,
43-модда.**



кенгайтирилди. Қийин вазиятга тушиб қолган аёлларни ҳуқуқий ва психологик ёрдам билан таъминлаш, зўравонликдан ҳимоялаш, таълим олиши, ишлаб, даромад топиши учун кўмаклашиш самарадорлиги ортди. Кўп болали оилалар учун ижтимоий имтиёзлар, уй-жой таъминоти, таълим, тиббий ва ижтимоий хизматлардан фойдаланиш дастурлари йўлга қўйилди.

Ёш авлоднинг таълим-тарбияси асосий стратегик мақсадга айланди: ҳар бир йигит-қизнинг сифатли таълим олиш, иқтидорини ривожлантириш, тадбиркорлик қобилиятини ошириш ва мамлакат ҳаётида фаол иштирок этиш ҳуқуқи мустаҳкамланди.

Мамлакатда камбағалликни қисқартириш, меҳнат бозорида янги иш ўринлари яратиш, оилаларни қўллаб-қувватлаш ва инклюзив амалиётларни ривожлантиришга қаратилган давлат ташаббусларининг ижроси тизимли

назоратга олинган.

Дарҳақиқат, конституциявий нормаларнинг амалий ижросини биз кенг кўламли ижтимоий ислохотлар мисолида кўрмоқдамиз. Аёллар ва ёшлар учун янги қўллаб-қувватлаш механизмлари, касбий таълимни ривожлантириш, ижтимоий инфратузилмаларни модернизация қилиш, бандлик дастурлари, арзон уй-жойлар қурилиши — буларнинг барчаси Конституциянинг ҳақиқий амалий ифодасидир.

Таъкидлаш жоизки, юқоридаги йўналишлар Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг дастурий мақсадлари билан тўла ҳамоҳанг бўлиб, партия ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли манфаатларини кафолатлашга устувор эътибор қаратиб келади.

Биз, ХДП депутатлари конституциявий тамойилларни амалга оширишда фаол иштирок этмоқдамиз, давлат дастурларининг ижросини парламент

Ҳар ким бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда давлат органларига ҳамда ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, мансабдор шахсларга ёки халқ вакилларига аризалар, таклифлар ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

**Ўзбекистон
Республикаси
Конституцияси,
40-модда.**

назорати орқали таъминлаш, ижтимоий сиёсат нормаларига риоя этилиши, электорат мурожаатларига ўз вақтида жавоб қайтарилиши, уларнинг эҳтиёжлари қонун ижодкорлиги жараёнида инobatга олиниши устидан назоратни амалга оширяпмиз.

Шуни равшанки, Конституция мамлакатимизни ривожлантирмоқда, замон талабларига жавоб бермоқда ва барқарор тараққиётнинг ҳал қилувчи омилига айланмоқда. Унинг ҳар бир қоидаси фуқароларимиз ҳаётида амалий натижа кўрсатяпти, десак янглишмаймиз.

Конституция қабул қилинган кун — бу фақат байрам эмас, балки амалга оширилаётган ислохотларнинг қўламини англаш, натижаларни баҳолаш ва мамлакат ривожланишининг келгуси босқичларини идрок этиш учун муҳим фурсатдир.

ИЖТИМОЙ СИЁСАТ

АҲОЛИНИНГ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШДА ЯНГИ СУРЪАТ

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш долзарб масала. Президентимиз раислигида яқинда бўлиб ўтган видеоселектор ййғилишида бу борадаги ишлар сарҳисоб қилиниб, 2026 йил учун устувор вазифалар белгилаб берилди.

Аҳолини рози қилиш мақсадида амалга оширилаётган ислохотларнинг ушбу йўналишида барча зарур молиявий ва ташкилий масалалар ҳал этилган. Айниқса, жорий йилда мамлакатимизда илк бор 1435 та маҳалла “камбағалликдан холи” ҳудудга айлангани ҳақидаги маълумот барчани қувонтирди. Бу, аввало, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган давлат сиёсатининг самарадорлигидан далолат беради. Мазкур маҳаллаларда аҳоли бандлигини таъминлаш, кичик тадбиркорликни ривожлантириш ва даромад манбаларини кўпайтириш бўйича амалга оширилган ишлар ўз натижасини берган.

Иқтисодий кўрсаткичлар ҳам ижобий тенденцияни кўрсатмоқда. Жорий йил бошидан буён юртимизда ишсизлик даражаси 4,9 фоизга тушди.

Эътиборлиси, бу йўналишдаги тизимли ишлар 2026 йилда ҳам давом эттирилади. Ишсизлик даражаси янада пасайтирилади. Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратилади. Аҳолининг ижтимоий ҳимояси кучайтирилади.

Яна бир муҳим масала. 2026 йилда қутилаётган янгиликлардан бири — маҳалла инфратузилмасини ривожлантириш учун вилоятларга 20 триллион сўм маблагнинг бевосита ажратилиши бўлади. Бу маҳаллий бошқарув органларининг ташаббускорлигини рағбатлантириш, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос эҳтиёжларини инobatга олган ҳолда инфратузилмасини яхшилаш мақсадларини рўёбга чиқаришга хизмат қилади. Хусусан, туризм салоҳияти юқори бўлган 150 та маҳалланинг ҳар бирига 3-5 миллиард сўмдан маблаг йўналтирилади. Бу эса мазкур ҳудудларда туризмни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва маҳаллий аҳолининг даромадларини ошириш имкониятларини кенгайтиради.

Янги йилдан бошлаб Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган 40 минг фуқарони иш

билан таъминлашга қаратилган “Тенг имкон — инклюзив бандлик” лойиҳаси ишга туширилиши яна бир қувончли муҳаббат. Лойиҳа доирасида Бандлик жамғармаси томонидан уларга 30 миллион сўмгача фойзсиз судалар ажратилади. Бу эса ногиронлиги бўлган инсонларнинг жамият ҳаётида фаол иштирок этишига, мўқим даромад манбаига эга бўлишига шароит яратади.

Таъкидлаш жоиз, “соя”даги иш ўринларини легаллаштириш асосий мақсадлардан бири. Мазкур масала юзасидан маҳаллаларда ҳоким ёрдамчилари ва солиқ инспекторлари тушунтириш ишларини олиб боради. Манзилли ишларни ташкил этиш орқали келаси йилда камида 250 мингта ходимни расмий иш ўринларига жалб этиш режалаштирилган.

Бу эса мамлакатнинг солиқ базасини кенгайтиришга ва иқтисодий ўсишга салмоқли ҳисса қўшади. Ижтимоий сўғурта тизимидаги янгилик — хусусий сектор ходимлари учун катта туртки. Яқинда имзоланган фармонга мувофиқ, хусусий секторда фаолият юритаётган ишчиларга ҳам касаллик ва декрет пуллари давлат томонидан тўлаб берилади. Бу эса соядан чиқиб, расмий иш жойларида ишлашни рағбатлантирадиган муҳим механизм бўлиб хизмат қилади.

Келгуси йилда 100 минг, 2027 йилда эса яна 200 минг иш ўринини соядан чиқариш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш учун Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва вилоят ҳокимларига жиддий вазифалар юклатилгани диққатга молик жиҳатдир.

Асосийси, белгиланган вазифаларнинг ижросини назорат қилиш учун махсус онлайн платформа ишга туширилади. Платформа фуқароларнинг маҳаллаларда қандай ўзгаришлар бўлиши, нечта иш ўрни яратилиб, қанча оиланинг даромади ошиши каби саволларига жавоб беради.

Мана шундай кенг кўламли чора-тадбирлар Ўзбекистонда бандликни ошириш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш ва иқтисодиётнинг соядан чиқишига олиб келади. Бу эса аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтириш жараёнига янги суръат бағишлайди.

**Анваржон НУРМАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутати,
ЎзХДП фракцияси аъзоси.**

ДЕПУТАТЛАР - ҲУДУДЛАРДА

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ САМАРАЛИ КЕЧМОҚДА

Маълумки, Ўзбекистонда энг оғир аҳволдаги мингта маҳалла танлаб олиниб, рўйхати шакллантирилган ва “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида уларнинг инфратузилмасини яхшилаш чора-тадбирлари белгиланган эди.

Биз Сурхондарё вилояти Денов туманида ана шундай манзиллардан бири - “Озод” маҳалласида тегишли ўрганишлар олиб бордик. Аниқландики, маҳалла инфратузилмасини яхшилаш, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш бўйича салмоқли ишлар бажарилган. Томорқа ерларнинг сўғориш тизими тикланган. Барқарор электр энергияси ва оптик толали интернет тармоғи тортилган. Ички йўллар таъмирланиб, “Обод хонадон-обод кўча-обод маҳалла” мезони асосида ҳудуд кифёси тўдан ўзгартрилган.

Маҳаллада камбағалликдан чиқарилган оилаларда бўлди. Одамларнинг мамнун қиёфасини кўриб, миннатдорликка йўғрилган сўзларини тинглай туриб, амин бўлдики, қаерда “маҳалла еттилиги” жипс бўлиб фаолият олиб борса, ўша ерда аҳолини ўйлантирган муаммолар ўз-ўзидан барҳам топади.

Шунингдек, ҳудудларда куз-киш мавсумига тайёргарлик ишларининг бориши билан яқиндан танишиш учун Денов туманидаги 2- ва 18-сонли умумтаълим мактабида, 39-сонли мактабгача таълим ташкилотида, 4-сонли оилавий поликлиника филиалидаги вазиятни кўздан кечирдик. Ўрганишлар давомида 18-мактаб биносини реконструкция қилиш, қўшимча бино қуриш зарурлиги, мактаб ўқувчилари учун дарсликларнинг етишмаслиги, 4-поликлиника филиалини капитал таъмирлаш, мактабгача таълим ташкилоти биносини янгидан қуриш масалалари юзасидан мурожаатлар тингланди.

“

МАҲАЛЛАДА
КАМБАҒАЛЛИҚДАН
ЧИҚАРИЛГАН ОИЛАЛАРДА
БЎЛДИК. ОДАМЛАРНИНГ
МАМНУН ҚИЁФАСИНИ
КЎРИБ, МИННАТДОРЛИККА
ЙЎҒРИЛГАН СЎЗЛАРИНИ
ТИНГЛАЙ ТУРИБ, АМИН
БЎЛДИККИ, ҚАЕРДА “МАҲАЛЛА
ЕТТИЛИГИ” ЖИПС БЎЛИБ
ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРСА, ЎША
ЕРДА АҲОЛИНИ ЎЙЛАНТИРГАН
МУАММОЛАР ЎЗ-ЎЗИДАН
БАРҲАМ ТОПАДИ.

Тумандаги кўмир тарқатиш омбори томонидан аҳолига ёқилғи етказиб бериш режаси 58 фойзга бажарилгани эса киш мавсумига тайёргарлик ишларида ҳали камчиликлар борлигини кўрсатади. Мутасаддиларга ушбу муаммо юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

Шу билан бирга, “маҳалла еттилиги”, туман камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими, маҳалла уюшмаси туман бўлими ҳамда бир қатор ташкилот раҳбарлари, аҳоли вакиллари билан учрашдик.

Аҳоли томонидан келиб тушган мурожаатлар кўриб чиқиш учун тегишли масъулларга йўналтирилди ва назоратга олинди. Республика даражасидаги мурожаатлар бўйича депутатлик сўрови юбориш режалаштирилди.

**Фирдавс ШАРИПОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
ЎзХДП фракцияси раҳбари
ўринбосари.**



Дилдора ХОДЖАЕВА,
Ўзбекистон Ногиронлар
жамияти Янгийўл шаҳар
бўлини маси раиси.

Кишини мамнун этадиган жиҳат шундаки, юртимизда айнан шу йўналишда сўнгги йилларда мақташга арзигулик ўзгаришлар ҳаётий тасдиғини топмоқда. Зеро, янги таҳрирдаги Конституциямизнинг биринчи моддасида ҳам Ўзбекистон суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат деб белгиланиб қўйилгани бежиз эмас.

Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган шахслар ҳимоясига оид давлат сиёсати чин инсонпарварликнинг ёрқин намунаси бўлиб, мазкур тоифа вакилларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари кафолатини кучайтириш, уларнинг камситилишига йўл қўймаслик, соҳага дахлдор қонун ҳужжатлари ижросини тизимли рўйбга чиқариш тамойиллари устувор аҳамиятга эга. Бундан ташқари, ногиронлиги бор болаларнинг мактабга ва мактаб, касб-хунар таълимини ривожлантириш йўлида қилинаётган эзгу ишларнинг, истиқболли лойиҳаларнинг қамрови шу қадар кенгайиб бораптики, бундан фақат қувониш мумкин.

Албатта, ижтимоий сиёсатда, жумладан, ногиронлиги бўлган

БУГУН – ХАЛҚАРО НОГИРОНЛАР КУНИ

Статистикага кўра, дунё аҳолисининг 1 миллиарддан ортиғида, яъни, етти кишидан камида биттасида муайян бир турдаги ногиронлик мавжуд. Барча ногиронларнинг 100 миллиондан ортиғини болалар ташкил этади. 3 декабрь халқаро миқёсда ногиронлиги бўлган шахслар куни сифатида белгиланиши замирида ҳам бутун дунёда амалга ошириладиган дастур ва лойиҳаларда ушбу қатлам вакиллари тенг шароитда иштирок этиши учун имкон яратиш, барча давлатда уларнинг манфаатлари, ҳуқуқлари инобатга олинисини, кадр-қимматини ҳимояловчи қонунлар ва тартиб-таомилларнинг жорий этилишини таъминлаш, жамиятнинг инклюзивлик даражасини ошириш мақсадлари мужжасамдир.



МЕҲР ВА КЎМАК ЧЕГАРА БИЛМАЙДИ

шахсларни қўллаб-қувватлашда давлат билан бир қаторда нодавлат тузилмалар ҳам фаол иштирок этмоқда. Ўзбекистон Ногиронлар жамияти фаолияти бунга яққол мисол.

Ушбу нодавлат нотижорат ташкилоти жамият аъзоларига, ногиронлиги бўлган барча инсонларга тенг имкониятлар яратиш, баҳоли қудрат даромадли меҳнатга жалб этиш, улар дуч келаётган турли ижтимоий-маиший муаммолар ечимида яқиндан кўмаклашиш вазибаларини ўз олдида асосий мақсад қилиб қўйган. Шунингдек, инклюзивликка қаратилган таклифларни, имконияти чекланганлар учун мосламаларнинг стандарт ва нормативларини ишлаб чиқиш жараёнида ҳам иштирок этади. Молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ўз аъзоларига моддий ёрдам бериш, хайрия тўйлари ва юбилейларни ўтказиш, маданий-маърифий тадбирларни, спорт мусобақаларини уюштириш, талабгир касблар бўйича ўқув курслари ташкил қилиш,

ногиронлиги бор болаларнинг ижтимоий реабилитацияси йўналишларида ҳам етакчи ташаббускорлардан саналади.

Жамиятнинг Янгийўл шаҳар бўлимида бугунги кунда аъзолари сони 1 минг 770 нафарга етган. Умуман олганда, Тошкент вилоятининг ушбу ҳудудида 2 ярим минг нафардан ортиқ турли ёшдаги ногиронлиги бўлган шахслар истиқомат қилади. Бўлимиз томонидан уларнинг барчасига тегишли даражада эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келинаётганини таъкидлаш ўринли.

Биргина шу йилнинг ўзида "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида"ги қонун ижроси доирасида турли соҳаларда имкониятлар тенглигига эришиш, ногиронлиги бўлган болаларнинг ривожланаётган қобилиятини ва ўз индивидуаллигини сақлаб қолиш ҳуқуқини ҳурмат қилиш, ижтимоий объектлар ва хизматлар қулайлиги масалаларида семинарлар ўтказилди. «Инсон» ижтимоий хизматлар маркази ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ногиронлиги бор шахслар учун Argos дастурида бўш иш ўринларига ариза бериш ва резюми қолдириш мавзуйида доимий кўрсатмалар бериш йўлга қўйилди.

Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқ ва манфаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, бу борадаги халқаро конвенциялар талаблари, шаҳарсозлик нормалари қоидаларига мувофиқ равишда Янгийўл шаҳридаги юздан ортиқ ташкилотлар ва тадбиркорлик субъектларида ўрганиш ишлари олиб борилди. Ўрганиш даврида аниқланган камчиликлар юзасидан амалий кўрсатмалар берилди.

Ногиронлиги бор болаларнинг, ёшларнинг қалбида эртанги кунга умид ва ишонч туйғусини мустаҳкамлаш, уларни ёруғ орзу ва мақсадлар сари илҳомлантириш фаолиятимизнинг асосий қирраларидан бири. "Биз



биргамиз" ижтимоий лойиҳаси, "Мафтунокор ранглар жилоси" ижодий кўрик-танлови, шахмат-шашка бўйича мусобақалар бу борада айна муддао бўлаётир. Шаҳримизнинг болалари ва ёшлари ана шу лойиҳа ва анъанавий тадбирларда пешқадамлар сафида иштирок этиб келаётгани эътирофга лойик. Масалан, 7 ёшдан 17 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ўртасида ўтган "Мафтунокор ранглар жилоси" танловида ва шахмат-шашка баҳсларида шаҳримизда жойлашган 11-ихтисослаштирилган ёрданчи мактабининг 40 нафар ўқувчиси ўз қобилиятларини намоён этиб, улар орасидан энг муносиблари кейинги босқига йўланмани қўлга киритдилар.

Ҳар қандай давлат тараққиёти, ундаги ижтимоий-маънавий муҳит ногиронлиги бор шахсларга

нисбатан муносабати орқали ҳам аниқланади. Юқорида айтиб ўтганимиздек, мамлакатимизда имконияти чекланган инсонларга ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётда фаоллик кўрсатиши учун ҳар тарафлама кўмаклашиш, қабул қилинаётган дастурларда уларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиш, таълим олиш, тиббий хизматдан фойдаланиш, меҳнат қилиш ҳуқуқларини таъминлашдаги бўшлиқларни бартараф этиш чора-тадбирларига эътибор сўнгги йилларда сезиларли кучайгани ҳақиқат. Бу эса барча жабҳада саъй-ҳаракатларни "Инсон кадри учун" тамойилига уйғунлаштириш сиёсат даражасига чиққани, ногиронлиги бўлган шахслар учун инклюзив жамият қуриш жараёни чуқурлашаётгани, меҳр ва кўмак тизимининг манзиллилиги ортиб, аҳолига янада яқинлашаётганини исботлайди.

ПАРТИЯ ТАШАББУСИ БИЛАН

ҒАМХЎРЛИК – ИНСОНИЙ БУРЧ

Юртимизда ижтимоий ислохотларни маҳалла даражасигача, яъни, манзилли ташкил этиш, ижтимоий дафтарларни юритиш орқали эҳтиёжманд инсонлар, жумладан, ногиронлиги бор ҳамюртларимизнинг турмуш шароитини ўнглаш, бунинг учун эса уларни ижтимоий-иқтисодий фаол ҳаёт билан қамраб олиш йўлида барча куч ва имкониятлар сафарбар этилмоқда. Бунинг натижасида ногиронлиги бўлган шахслар учун таълим, бандлик, соғлиқни сақлаш, тадбиркорлик ва бошқа соҳаларда тенг имкониятларни яратиш, уларни жамиятимизнинг тўлақонли аъзоси деб тан олувчи ижтимоий нормани чуқур сингдириш қамрови кенгайиб бораётир.

Табиийки, ногиронлиги бор инсонларни қўллаб-қувватлаш, улар ҳолидан доимий бохабар бўлиб, муаммо ва эҳтиёжларини ўрганиш масаласи ҳам устувор аҳамият касб этмоқда. Бу борада Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва жойлардаги маҳаллий ташкилотлари фаол ҳамда ташаббускорлар сафида экани аён ҳақиқат.

Партиянинг Поп туман кенгаши томонидан "Ҳар бир инсонга меҳр-мурувват кўрсатиш –

бурчимиз!" лойиҳаси доирасида ногиронлиги бўлган шахслар истиқомат қиладиган "Мурувват" интернат уйидаги йўқлов тадбири ҳам ана шу мақсадда ташкил этилди.

3 декабрь – Халқаро ногиронлар куни арафасида ўтказилган тадбир доирасида партиянинг туман кенгаши

раиси Г. Мўминова, депутатлар Ш. Жўраев ва Й.Турсунов Поп туман ҳокимлиги мутасаддилари иштирокида ижтимоий муассасадаги шарт-шароитлар, моддий-техник база ва хизмат кўрсатиш ҳолатини яқиндан ўргандилар. Интернат уйида яшовчилар муаммолари, талаб-истаклари

тингланб, уларнинг ечимлари юзасидан таклифлар илгари сурилди.

Тадбир якунида ҳомийлар томонидан эсдалик совғалари топширилди. Мазкур ташаббус меҳр-мурувват ва инсон кадри масалаларига партиянинг доимий эътиборини яна бир бор намоён қилди.



Тошкент вилоятида КОММУНАЛ СОҲАДАГИ МУАММОЛАР ЎРГАНИЛДИ

ХУДУДИЙ КЕНГАШЛАРДА

Аҳолининг ҳаёт даражасини бевосита белгилловчи омиллардан бири сифатли, узлуксиз ва қулай коммунал хизматлардир. Бу одамларнинг кундалик турмуши, фаровонлиги, саломатлиги ва кайфиятига бевосита таъсир қиладиган энг муҳим соҳалардан биридир.

Тоза ичимлик суви, барқарор электр таъминоти, иссиқлик, чиқиндиларни тўплаш ва газ таъминоти каби хизматлар нафақат кундалик турмуш қулайлигини, балки ижтимоий барқарорликни ҳам таъминлайди. Демак, жойларда хизмат кўрсатиш сифатини ошириш кечиктириб бўлмайдиган масаладир.



кўрсатишга масъул идоралар мутасаддилари электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви ва кўмир таъминоти ҳолати ҳақида ахборотларини тақдим этишди.

Маълум бўлишича, вилоятда куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари изчил ва жадал суръатларда амалга оширилмоқда. Айниқса, ижтимоий соҳа объектларининг барқарор фаолият кўрсатиши учун қулай шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш ташкилотларида жорий ва мукамал таъмирлаш ишлари олиб борилиб, иссиқлик тизимлари, электр тармоқлари ва сув таъминоти иншоотлари тўлиқ кўриқдан ўтказилди.

Бунинг натижасида, таълим ва тиббиёт муассасаларида йил давомида узлуксиз ва барқарор коммунал хизматлар билан таъминлаш имкони яратилди. Шу билан бирга, мавжуд инфратузилмаларни модернизация қилиш, энергия самарадорлигини ошириш ва хавфсизлик стандартларини мустаҳкамлаш бўйича ҳам муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Бу чора-тадбирлар аҳоли, айниқса болалар, ўқитувчилар ва тиббиёт ходимлари учун қулай ва хавфсиз шароитлар яратишга хизмат қилмоқда.

Акмал УМАРАЛИЕВ, ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гурӯҳи раҳбари:

- Партиямизнинг дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, вилоятимизда коммунал соҳадаги муаммоларни ҳал этиш, тизимни такомиллаштириш, аҳоли муаммоларига ўз вақтида ечим топиш бўйича махсус ишчи гурӯҳ тузилди. Улар жойларда ўрганиш ишларини олиб борди.

Маълум бўлишича, кўп қаватли уй-жойларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш доирасида вилоят бўйича 242 та кўп қаватли уйнинг том қисми, 538 та кириш йўлаклари, 368 та электр шит, 118 та ертўла қисмидаги муҳандислик тармоқлари таъмирланиб, шай ҳолатга келтирилган.

Газ хўжалигининг куз-қиш мавсумига тайёргарлиги бўйича берилган маълумотларига кўра, вилоят бўйича газ қувурлари тўлиқ таъмирланган, хусусан, марказлашган 2 та қозонхона мукамал, марказлашган яна 17 та қозонхона жорий таъмирланган.

Умуман, коммунал хизматлар кўрсатуви ташкилотлар тақдим этган аксарият маълумотларда асосий режалар 100 фоиз ва ундан юқори даражада бажарилгани

кўрсатилган. Бу қувонарли, албатта. Лекин куз-қиш мавсуми қисқа эмас, реал ҳаётда юзага келадиган муаммоли ҳолатларни халқимиз олдида ҳисобдорликни ҳис қилиб ҳал этиш зарур бўлади.

Шунингдек, ўрганиш даврида вилоятда кўмир билан таъминланиш ҳолати 53 фоизни ташкил этган. Бу кўрсаткич Бўка туманида 34, Пискент туманида 42, Паркент туманида 44, Ўрта Чирчиқ ва Юқори Чирчиқ туманларида 46, Янгийўл туманида 65 фоиз ҳолатида.

Ичимлик суви тармоқлари мукамал таъмирланиши бўйича Зангиота туманида кўрсаткич 24, Қибрай туманида 48, Нурафшон шаҳрида эса 44 фоизни ташкил этмоқда.

Алишер АБДУЛЛАЖОНОВ, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутати:

- Қиш мавсуми яқинлашиб келмоқда. Бу мавсумда хавфсиз ва тинч ҳаёт кечирish, иссиқлик, электр таъминоти ҳамда кундалик эҳтиёжларни барқарор таъминлаш учун ҳар биримиз ўз вақтида тайёргарлик кўришимиз муҳимдир.

2025–2026 йилги куз-қиш мавсумини беталафот ва барқарор ўтказиш мақсадида Тошкент вилоятида якуний тайёргарлик

ишлари жадал суръатда амалга оширилмоқда. Бу йилги мавсумда аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини энергия ресурслари билан узлуксиз таъминлаш учун зарур барча чора-тадбирлар кўрилган бўлиб, бу жараён Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан қатъий назоратга олинган.

Аввало, электр таъминотида барқарорликни таъминлаш устувор вазифа сифатида белгиланган. Назарот-таҳлил натижаларидан маълум бўлишича, вилоятдаги 63 та ижтимоий соҳа объектларининг 97 фоизи мукамал таъмирдан ўтказилган.

Куз-қиш мавсуми олдидаан электр тизимларини тайёрлаш доирасида умумий узунлиги 2 616,10 километр бўлган тармоқлар тўлиқ, яъни, 100 фоиз мукамал таъмирланган. Шунингдек, ҳудудлардаги 777 та трансформатор пунктлари ҳам 100 фоиз мукамал таъмирланган.

Бундан ташқари, электр узатиш тармоқларида жорий таъмир ишлари амалга оширилиб, 2 126 та трансформатор пункти жорий таъмирдан чиқарилди. Бу ишлар қиш мавсумида юклама ошадиган даврда тизимнинг узлуксиз ишлашига хизмат қилади.

Бироқ барқарор энергия таъминоти фақат давлат ва масъул идоралар зиммасидаги вазифа эмас. Ҳар биримиз электр энергиясидан тежамкорлик билан фойдалансак, тармоқда ортиқча юклама камайди, хавфсизлик ошади ва ҳаммамиз учун қулай шарт-шароит яратилади.

Ўрганиш жараёнида кўринган камчиликларни ҳал этиш бўйича Халқ демократик партиясининг туман, шаҳар, шунингдек, вилоят Кенгашидаги депутатлари томонидан мутасадди ташкилотларга депутатлик сўровлари юборилган.

Йиғилишда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларининг куз-қиш мавсумида барқарор ишлаши таъминлаш, коммунал хизматларни узлуксиз ва сифатли кўрсатиш борасидаги масалалар мутасаддилар иштирокида жамоатчилик вакиллари кўз ўнгига муҳокама этилди.

Масъул ташкилотлар раҳбарларига истеъмолчилар мурожаатлари асосида камчиликларни бартараф этиш бўйича юборилган депутатлик сўровларига тезкор равишда жавоб юбориш, амалий чоралар кўриш зарурлиги қайд этилди.

Халқ демократик партияси депутатлари ва фаолларидан иборат ишчи гуруҳлар республикаимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам ўрганиш ва депутатлик назорати тадбирларини давом эттирмоқда.

Лазиза ШЕРОВА, “Ўзбекистон овози” муҳбири.

ҚАШҚАДАРЁЛИК ДЕПУТАТЛАР ФАОЛИЯТИГА БИР НАЗАР



Юртимизда олиб борилаётган ислохотларнинг бош мақсади — халқ манфаатларини таъминлаш, ижтимоий адолатни қарор топтириш, давлат органлари фаолиятида очиклик ва ҳисобдорликни кучайтиришдир. Бу жараёнда маҳаллий Кенгашлар, хусусан, Халқ демократик партияси депутатлик гуруҳларининг ўрни ва масъулияти тобора ортмоқда. Чунки депутатлик фаолияти — фақат ҳуқуқ эмас, балки юксак масъулият ва ташаббускорликни талаб этувчи вазифадир.

Халқ демократик партияси Қашқадарё вилоятидаги депутатлик бирлашмалари фаолияти юзасидан ўтказилган ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, жойларда партия позицияси изчил ғимоя қилинмоқда, Сайловолди дастурида белгиланган мақсадлар амалий ишлар билан мустаҳкамланмоқда. Бироқ бугунги кун талаби — янада кучли сиёсий фаоллик, таъсирчан назорат ва халқ манфаати йўлида қатъий позицияни намоён этиш бўлмоқда.

АМАЛИЙ ИФОДАСИНИ ТОПАЁТГАН ҲАРАКАТ ДАСТУРИ

Партиянинг 2025 йилга мўлжалланган амалий Ҳаракат дастури доирасида жами 96 та масала депутатлик гуруҳларида, шунча масала доимий комиссияларда, 95 та масала эса маҳаллий Кенгашлар сессияларида кўриб чиқилган. Мазкур рақамлар ХДП депутатларининг ташаббускорлиги ва масъулияти юқорилигини, партия дастурий мақсадларининг ҳаётга татбиқ этилаётганини яққол исботлайди.

Лекин баъзи туманлардаги депутатлик гуруҳларида 20 га яқин масала муҳокама

қилинган бир пайтда, баъзилари 2 та масалани кўриб чиқиш билангина чекланган. Жумландан, Касби туманида 19 та, Ғузорда 7 та, Қарши шаҳри ва Нишонда 6 тадан, Қарши ва Китоб туманларида 5 тадан, яна қатор туманларда 2–4 тадан масала кўриб чиқилган. Партиянинг асосий мақсади эса барча ҳудудларда фаолликни барқарор ва юқори даражада таъминлашдир.

ДЕПУТАТ СЎРОВИ, МУРОЖААТЛАР БИЛАН ИШЛАШ САМАРАДОРЛИГИ ҚАНДАЙ?

Вилоятда жорий йил давомида 376 та депутатлик сўрови юборилган бўлиб, уларнинг 251 таси ижобий ҳал этилган. Бу кўрсаткич маҳаллий ижро ҳокимияти фаолияти устидан таъсирчан назорат тизими шаклланаётганини аңглатади. Бироқ ижро қилинмаган ёки қониқарсиз жавоб қайтарилган ҳолатлар ҳам мавжуд. Бу эса депутатлик сўровларини мазмунан янада пухта ва таҳлилий тайёрлаш, масъул идоралар олдида талабни кучайтириш зарурлигини кўрсатади.

Партиянинг Жамоатчилик қабулхоналарига 700дан ортиқ мурожаат келиб тушган бўлса, уларнинг аксарияти ижтимоий ғимоя, иш ўринлари, уй-жой-коммунал хизматлари, соғлиқни сақлаш ва инфратузилма масалалари билан боғлиқ.

Бироқ партия фаолияти фақат мурожаатни ҳал этиш билан чекланмайди. Энг асосийси — тизимли муаммоларни аниқлаш, сабабларини таҳлил қилиш ва жамоатчилик манфаатларига хизмат қиладиган ечимларни топишдир.

КЕЛГУСИ ВАЗИФАЛАР. ТАЪСИРЧАН НАЗОРАТ ВА РАҚАМЛИ ЁНДАШУВ

Келгусида партия депутатлари зиммасига юкланадиган устувор вазифалар, аввало, депутатлик назоратининг таъсирчанлигини ошириш ва замонавий рақамли ёндашувни амалиётга жорий этишга қаратилган. Шу билан бирга, депутатлик сўровлари ижросини жамоатчилик назоратига олиб чиқиш, ижро ҳокимияти раҳбарларининг ҳисоботларини танқидий руҳда муҳокама қилиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Электорат билан доимий ва интерактив мулоқотни кучайтириш, аҳоли муаммоларини реал вақт режимида ўрганиш бугунги куннинг талабидир. Бунинг учун рақамли мониторинг тизимларини жорий этиш, онлайн мурожаатлар таҳлилин такомиллаштириш, ҳар бир сектор кесимида ижтимоий муаммолар харитасини шакллантириш каби механизмлар ишга солинади. Мазкур вазифалар депутатлик корпусининг фаолиятини янги босқичга олиб чиқиб, партиянинг халқ манфаатларини ғимоя қилиш борасидаги сиёсий масъулиятини янада мустаҳкамлайди.

Бир сўз билан айтганда, Қашқадарё вилоятидаги депутатлик гуруҳлари фаолияти партиянинг асосий сиёсий позициясини амалда ҳаётга татбиқ этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бироқ жамиятда кечаётган тезкор ўзгаришлар, аҳолининг ортиб бораётган ижтимоий талаби ва давлат бошқарувидаги янги ёндашувлар депутатлардан янада фаол ҳаракат, таъсирчан назорат ва қатъий сиёсий иродани талаб этмоқда.

Шу боисдан, партия олдида турган энг устувор вазифа — депутатлик назоратини янги босқичга кўтариш, ҳар бир муаммони ечишда тизимли ва мақсадли ёндашувни йўлга қўйиш, электорат ишончини изчил равишда оқлашдир.

Партия Сайловолди дастурининг амалий ижроси аҳоли манфаатларига уйғун бўлса депутатлик гуруҳларимиз ҳудудларда янада таъсирчан куч сифатида шаклланади. Бу эса жамиятда ижтимоий адолатни қарор топтириш, халқ фаровонлигини ошириш ва партиянинг мамлакат сиёсий ҳаётидаги ўрнини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Сирожиiddин ШОНАЗАРОВ, ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим бошлиғи.

ЯНГИ РЕНЕССАНС САРИ ҚАТЪИЙ ҚАДАМ



Ўтган ҳафтада Халқаро конгресс марказида ўтказилган сунъий интеллект бўйича халқаро форум юртимиз тараққиётида янги босқични бошлаб берган муҳим сиёсий воқеа бўлди. Давлат раҳбарининг нутқи, ёшларимиз яратган стартаплар ва инновацион лойиҳалар билан танишув пайтида билдирган фикрлари – Ўзбекистоннинг янги Ренессанс йўлидаги қатъий қадамларини яна бир бор намоён этди.

Бугун сунъий интеллект ва рақамли технологиялар ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти, глобал рақобатбардошлиги ва жамият фаровонлигини белгилаб бераётган стратегик омилга айланди. Инсон ҳаётининг деярли барча жабҳаларида сунъий интеллектнинг қўлланилиши кенгайиб бормоқда.

Қадимий илм-фан меросимизнинг юксак намунаси — ал-Хоразмий, Беруний, Мирзо Улуғбеклар яратган алгоритм, математика ва мантиқ асослари бугунги замонавий технологиялар тараққиёти учун пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Ана шу мероснинг ҳақиқий ворислари сифатида юртимиз илм-фан ва техниканинг энг илғор йўналишларига изчил қадам қўймоқда.

Кейинги йилларда рақамли иқтисодиёт улушининг икки баробар ошиши, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар қўламининг кескин ўсиши, ахборот технологиялари хизматлари экспорти 4,5 баробарга кўпайгани ислохотларнинг

самарадорлигини яққол намоён этмоқда. Айниқса, тиббиётда сунъий интеллект технологияларининг жорий этилиши натижасида минглаб беморларга тез ва аниқ ташҳис қўйилаётгани, диагностика жараёнининг бир неча кундан икки соатгача қисқаргани халқимиз учун бекиёс фойда келтирмоқда.

Форумда эълон қилинган энг муҳим ташаббуслардан бири — “5 миллион сунъий интеллект етакчилари” дастурининг бошланиши бўлди. Бу лойиҳа мамлакатимиз ёшлари учун улкан стратегик аҳамиятга эга. У миллионлаб ўғил-қизларимизга замонавий билим ва кўникмаларни ўзлаштириш имконини беради, уларнинг нуфузли касбларни эгаллаши, халқаро рақобатга тайёр бўлиб вояга етишига хизмат қилади. Худудларда сунъий интеллект лабораториялари ташкил этилиши, ҳар йили энг иқтидорли 100 нафар ёшнинг илғор технология марказларида стажировка ўташи – интеллектуал авлодни тарбиялашда улкан қадамдир.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси бу стратегик йўналишларни тўлиқ қўллаб-қувватлайди. Партия учун ҳар қандай инновация аввало инсон манфаатига хизмат қилиши, ижтимоий адолат ва фаровонлиқни таъминлаши муҳим. Янги лойиҳаларнинг имкониятлари марказдаги ёшлар билан бир қаторда чекка худудлардаги ёшларга ҳам тенг даражада етиб бориши зарур. Инновация фақат иқтисодий манфаат эмас, балки ижтимоий тенглик, инклюзив ривожланиш ва ҳар бир фуқаро учун очиқ имкониятлар яратиш, жамиятнинг барқарор ривожига хизмат қилиши лозим. Айни шу жиҳат партиянинг принципиал позициясига ва мақсадларига тўла мос келади.

Мамлакатимизда бошланаётган сунъий интеллект соҳасидаги кенг қамровли ислохотлар — бугунги ва эртанги Ўзбекистоннинг янги қиёфасини белгилаб берувчи стратегик пойдевордир.

Биз ишонамизки, “5 миллион сунъий интеллект етакчилари” дастури нафақат мамлакат тараққиётини янги босқичга кўтариди, балки халқимиз ҳаётини реал маънода яхшилайди, инсон капиталини кучайтиради ва ҳар бир оилага фаровонлик олиб киради.

**Аброр ҚУРБОНОВ,
Ўзбекистон ХДП Марказий
Кенгаши раиси ўринбосари.**

АНЖУМАН

ЖАМИЯТ ҲАЁТИ, МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ УЧУН ЖИДДИЙ ХАВФ

Пойтахтимизда “Гиёҳвандликка қарши курашиш: республикадаги вазият, кўрилаётган чоралар ва янги стратегиялар” мавзuida матбуот анжумани ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Наркотиклар ва ўқотар қуролларни назорат қилиш агентлиги директори ўринбосари Шавкет Қаюмов, ИИБ Тезкор-қидирув департаменти бошқарма бошлиғи ўринбосари Асатилла Қурбанов, Божхона қўмитаси бошқарма бошлиғи Акрамжон Ахлимирзаев, Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий-амалий тиббиёт маркази директори Зарифжон Ашуров ҳамда ИИБ ҳузуридаги Тергов департаменти бўлим бошлиғи Азиз Долихўжаев спикер сифатида иштирок этди.

Анжуманда кейинги беш йилда Ўзбекистонда наркожиноятлар сони 2 бараварга, ноқонуний муомаладан олинган наркотиклар мусодараси 67 фоизга, синтетик гиёҳвандлик воситалари мусодараси эса 80 бараварга кўпайгани таъкидланди. Шунингдек, 2024 йилда ҳуқуқ-тартибот идораларининг сайй-ҳаракатлари натижасида 5 та яширин нарколаборатория фаолиятига чек қўйилган бўлса, жорий йилнинг 10 ойида ушбу кўрсаткич 12 тага етган.

Масъулларнинг айтишича, синтетик наркотиклар аини вақтда энг катта хавф манбаига айланиб, ёшлар саломатлиги учун жиддий таҳдид



солмоқда. Шу боис, мамлакат бўйлаб тезкор-қидирув тадбирлари, чегара назорати ва ҳуқуқбузарларга нисбатан жазо чоралари кучайтирилмоқда.

Таҳлилларга кўра, жорий йилнинг 10 ойида республикада 12 минг 848 наркожиноят аниқланиб, 2 тонна 761 килограмм наркотик, психотроп ва кучли таъсир қилувчи моддаларнинг ноқонуний муомаласига чек қўйилган ҳамда истеъмолга чиқиб кетишининг олди олинган.

Гиёҳванд моддаларни, айниқса, интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали тарқатиш ҳолатлари жиддий хавотир уйғотмоқда. Охириги пайтларда телеграм орқали гиёҳванд модда сотувчи “наркодўкон”лар сони кескин ошгани, уларнинг аксарияти яширин каналлар орқали ишлайди, электрон тўлов тизимлари ва сохта аккаунтлардан фойдаланиб келаётгани рост.

– Республикамизда гиёҳвандликка қарши кураш ва беморларни даволаш ишлари кучайтирилаётган бўлса-да, гиёҳвандликка чалинганлар сони ўсиб бормоқда, – дейди Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик

илмий-амалий тиббиёт маркази директори Зарифжон Ашуров. – Сўнгги йилларда марказимизда 25 минг нафар бемор тўлиқ даволаниб чиққан. Алкоголга тобеларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда, бу рақам 58 мингдан ошади. Шу билан бирга, марказимизда реабилитация хизматлари кенгайтирилган, жами 2400 та жой мавжуд. Ихтиёрий даволашда жой тақсислиги кузатилмайди, аммо мажбурий даволаш бўйича беморлар сони кўплиги сабаб жойлар етишмайди.

– Шу ўринда бир фикрни айтиб ўтмоқчи эдим, – дейди ИИБ ҳузуридаги Тергов департаменти бўлим бошлиғи Азиз Долихўжаев. – Умумий аҳволнинг яна бир ўта хатарли жиҳати, болалар ва ёш хотин-қизлар орасида гиёҳвандликнинг кўпайиб боришидир. Бу нафақат соғлиқни сақлаш тизими, балки жамият учун ҳам катта хавф. Эндиликда хориждан кириб келаётган барча психотроп дорилар назорати кучайтирилади, уларнинг айланиши ва сотилиши қатъий теқширилади.

Шунингдек, мамлакатимизда гиёҳванд моддалар истеъмоли энг юқори бўлган Тошкент шаҳри, Тошкент, Фарғона, Андижон ҳамда Самарқанд вилоятлари “қизил ҳудуд” бўлиб турибди.

Анжуманда гиёҳвандликка қарши курашиш бўйича барқарор профилактика медиа муҳитини яратиш, бунинг учун эса оммавий ахборот воситаларининг ҳамкорлиги муҳим экани алоҳида қайд этилди.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози” мухбири.**

ХОРИЖ

ДУНЁДАГИ ЭНГ УЗУН ҲАЙДОВЧИСИЗ МЕТРО



“Arab News”нинг ахборотига кўра, Саудия Арабистонининг Риёд метроси дунёдаги энг узун ҳайдовчисиз метро тармоғи сифатида расман Гиннесснинг рекордлар китобига киритилган.

Метро 2024 йил декабрь ойида ишга туширилган бўлиб, тармоқ олтида линия, 85 та бекат, 176 километрдан иборат. У илғор марказий бошқарув орқали тўлиқ ҳайдовчисиз фаолият юритади.

Поездлар замонавий технологиялар билан жиҳозланган, хусусан, юқори сигимли кондиционерлар, Wi-Fi ва маълумот тизимларига эга бўлиб, минтақанинг кескин иқлим шароитларига мослаштирилган. Метро тўлиқ қувватда кунига 3,6 миллион йўловчини ташишга қодир. Поезд вагонлари одатда уч синфга бўлинади: олий тоифа, оилавий вагон ва оддий тоифа.

Таъкидлаш жоизки, Шанхай метроси тахминан 831 километр узунлиги билан дунёдаги энг узун метро тармоғи ҳисобланади. Ундан кейинги ўринни Пекин метроси эгаллайди, унинг узунлиги ҳам 800 километрдан ошади. Бу икки тизим ҳар куни миллионлаб йўловчиларга хизмат кўрсатади. Хитойнинг яна бир йирик шаҳри – Гуанчжоу метроси ҳам тез ривожланмоқда ва унинг узунлиги тахминан 653 километрга етади.

Осиёдан ташқарида, Москва метроси ўзининг гўзал архитектураси ва тахминан 460 километр узунликдаги тармоғи билан ажралиб туради. Нью-Йорк метросининг узунлиги эса тахминан 472 километр бўлиб, у кўпроқ бекатлари билан машҳур. Дунёдаги энг қадимий метро тизими ҳисобланган Лондон метроси эса тахминан 402 километр узунликка эга.

ПЛАСТИК ПУЛ МУОМАЛАГА КИРИТИЛДИ



1 декабрдан бошлаб Туркменистон Марказий банки 200 манатлик пластик пулни, яъни, банкнотани муомалага киритди. Бу ҳақда ТДХ хабар берди.

Марказий банкнинг тушунтиришича, янги банкноталарнинг асосий хусусиятлари қалбакилаштиришдан юқори даражада ҳимояланганлиги ва ташқи таъсирларга – ифлосланиш, эскириш, шикастланиш ва бошқа омилларга чидамлилигидир. Шу билан бирга, аввалги қоғоз пуллар Туркменистон ҳудудида қонуний тўлов воситаси бўлиб қолмоқда, деб таъкидлади Туркменистон Марказий банки.

Маълумот учун, Австралия 1988 йилда дунёда биринчи бўлиб пластик пуллари жорий қилган ва кейинчалик қоғоз пуллардан бутунлай воз кечган давлат ҳисобланади.

61 МИЛЛИОН ТОННАЛИК ОЛТИН ЗАХИРАСИ ТОПИЛДИ



Эроннинг энг йирик конларидан бирида қарийб 61 миллион тонналик олтин захираси топилгани эълон қилинди. Маҳаллий ОАВнинг 1 декабрь куни хабар беришича, бу янгилки мамлакатнинг санкциялар остидаги иқтисодиётга дастак бўлиши кутилмоқда. Бу ҳақда “Al Arabiya” хабар берди.

Маълум қилинишича, янги захира Хуросон провинциясидаги хусусий Шадаи олтин қонида қайд этилган. Бу кон мамлакатнинг энг муҳим конлари қаторига кириши прогноз қилинмоқда. Топилма Саноат, конлар ва савдо вазирлиги томонидан расман тасдиқланган. Таъкидланишича, конда 7,95 миллион тонна оксидланган олтин, 53,1 миллион тонна сульфид олтин рудаси мавжуд.

Эрон Марказий банки расмийси Екта Ашрафининг маҳаллий ОАВга билдиришича, олтин захираларини кўпайтириш халқаро санкциялар босими остида мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Маълумот ўрнида, Эронда 15 та олтин кон мавжуд бўлиб, уларнинг энг каттаси мамлакат шимоли-ғарбида жойлашган Заршоуран қонидир.

**Интернет материаллари асосида
Тоштемир МУРОД
тайёрлади.**



Сўнгги пайтларда “реновация” атамаси тез-тез тилга олинмоқда. Хўш, бу нима дегани? Реновация —эскирган уй-жойларни замонавий, хавфсиз ва юқори сифатли бинолар билан алмаштириш орқали ҳудудларни тубдан янгилаш жараёнидир.

У нафақат янги уйлар барпо этиш, балки бутун ҳудуд инфратузилмасини комплекс ривожлантириш — йўллар, яшил ҳудудлар, жамоат маконлари, хизмат кўрсатиш нуқталари ва ижтимоий объектларни такомиллаштиришни ҳам ўз ичига олади. Дунёда реновация кўп ҳолатда шаҳар муҳити, ижтимоий инфратузилма ва аҳоли турмуш даражасини яхшилаш учун қўлланилади.

Албатта, уй-жой фондини янгилаш, авария ҳолатидаги биноларни бўзиш, аҳолига қулай шароит яратиш — ҳукуматнинг устувор мақсадларидан.

Аммо ҳар бир янгиланиш ўзи билан янги саволларни ҳам олиб келади. Бу нима учун керак? Ва энг муҳими — аҳоли бу жараёндан нима ютади ва нима йўқотиши мумкин?

Мақоламизда ана шу саволлар атрофида мулоҳаза юритамиз.



Эски уйлар ўрнига янги уйлар:

РЕНОВАЦИЯ НИМА БЕРАДИ?

Иқболжон ЮЛДАШЕВ,
Уй-жойлар қурилишини
ривожлантириш ва
мақсадли дастурларни
мониторинг қилиш
бошқармаси бошлиғи
ўринбосари:

- Бугунги кунда шаҳарлар инфратузилмаси жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Аҳоли сонининг ўсиши, иқтисодий фаолликнинг кенгайиши ва замонавий турмуш талабларининг ортиши шаҳар муҳитини янгилашни тақозо этмоқда. Шу муносабат билан аҳолини муносиб уй-жой билан таъминлаш, инфратузилмани модернизация қилиш ва энергия самарадорлигини ошириш вазифалари реновация дастурини мамлакат тараққиёти учун устувор йўналишга айлантирди.

Давлат раҳбарининг ташаббуси билан мазкур йўналишда ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, уй-жой қурилишида реновация асосида қуриладиган уйлар улушини босқичма-босқич ошириб бориш ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни турар жой билан таъминлаш мақсадида Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий кўмитаси ташкил этилди.

Реновациянинг асосий мақсади — аҳоли турмуш сифати ва хавфсизлигини ошириш. Айниқса, кексалар, имконияти чекланган шахслар, ёш оилалар ва кўп болали оилалар учун қулай, хавфсиз ва барқарор турар жой муҳитини яратишга алоҳида эътибор қаратилган. Лифтли бинолар, энергия тежамкор коммуникациялар, қулай ички ҳудудлар ва экологик стандартларга жавоб берадиган шароитлар фуқароларнинг кундалик ҳаётини енгиллаштиради.Шу билан бирга, янги уйлар иссиқлик ва электр энергиясини анча кам сарфлайди, бу эса аҳоли харажатларини камайтиради, жамоат коммунал тизимларига тушадиган юкламани енгиллаштиради ҳамда экологик барқарорликка хизмат қилади.

Шунингдек, “Ўзбекистон-2030” стратегиясининг 60-мақсадида хизмат муддатини ўтаб бўлган массивлар ва эскирган уй-жойларни янгилаш мақсадида кенг жамоатчилик фикри асосида реновация дастурларини ишлаб чиқиш, аҳоли зич бўлган ҳудудларда “бўйига ўстириш” тамойили асосида кўп қаватли уй-жойлар барпо этиш алоҳида дастур сифатида қабул қилинди.

Унга кўра, 2025 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳудудида реновация дастури асосида 20 мингта, 2026 йилда 30 мингта хонадонлар барпо этиш режалаштирилган.

Шу билан бирга, 2030 йилга бориб уй-жой фондида замонавий уй-жойлар улушини ҳозирги 33 фоиздан 39 фоизгача, 2040 йилга келиб бу кўрсаткичларни 50 фоизга етказиш мақсад қилинган.

Таъкидлаш лозимки, реновация бу алоҳида муаммоларни кетма-кет эмас, балки бир бутун тизим сифатида ҳал қилишга қаратилган стратегик ёндашувдир. У қуйидаги муҳим натижаларга эришиш имконини беради:

- замонавий, хавфсиз ва қулай уй-жойлар;
- тубдан янгиланган инфратузилма ва коммуникациялар;
- аҳоли эҳтиёжларига мос ва замонавий шаҳар муҳити;
- энергия тежамкор ва экологик барқарор ҳаёт тарзи;
- хизмат кўрсатиш соҳасининг ривож ва янги иш ўринлари.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, реновация орқали ердан фойдаланиш самарадорлиги



4–5 баробарга ошади, инфратузилма харажатлари сезиларли камаяди, янги савдо ва сервис маконлари пайдо бўлади. Энг муҳими — ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти ошади, аҳолининг турмуш тарзи, дунёқараши ва ҳаёт сифатининг янги босқичи шаклланади.

Реновация жараёнида аҳоли фикри алоҳида аҳамиятга эга. Шунинг учун компенсациянинг адолатли ва шаффоф белгиланиши, фуқароларни ўз ҳудудларида қолдириш имконияти ҳамда қурилиш сифатига қатъий назорат ўрнатилиши барча босқичда устувор вазифа ҳисобланади. Бу ечимлар реновациянинг ҳар бир фуқаро учун ишончли, қулай ва манфаатли лойиҳага айланишини таъминлайди. Мазкур жараён тўғри ва масъулият билан амалга оширилса, келажак авлодлар учун тамоман янги сифатдаги шаҳарларни барпо этиш имконини беради.

“Эскирган уй” қандай бўлади?

Бу реновация дастурига кирувчи уйлар ҳисобланади. Узоқ йиллар аввал қурилган ва муҳандислик тармоқлари эскирган, коммуникациялари эски уйлар бу рўйхатдан ўрин олади. Бундай уйларга экспертиза ёки расмий равишда фавқулодда ҳолатга эга, яшашга яроқсиз деб топилганлари кирди.

Шу билан бирга, агар уй ушбу мезонларга жавоб берса, у реновация дастурига киритилиши мумкин, лекин бу уй эгасининг ҳуқуқларини автоматик равишда бекор қилмайди.

ЎЗБЕКИСТОНДА РЕНОВАЦИЯ: 343 ТА КўП ҚАВАТЛИ УЙ ТЕХНИК ЖИҲАТДАН АВАРИЯ ҲОЛАТИДА

Таҳлилларга кўра, сўнгги саккиз йилда мамлакатимиз аҳолиси 6 миллионга кўпайди. Бу даврда ярим миллионга яқин хонадонлар барпо этилди.

Яқин йилларда аҳолимиз сони 40 миллион нафарга етиши кутилмоқда. Бундай ўсишда йилга 140-150 минг хонадонга талаб пайдо бўлади. Бу ҳар йили қўшимча 2 минг гектар ер керак, дегани. Лекин ер майдонлари ҳам чекланган.

Ўзбекистонда реновация жараёнлари асосан Тошкент,

Самарқанд ва бошқа йирик шаҳарларда амалга оширилмоқда. Масалан, маълумотларга кўра, Тошкентда 500 гектардан ортқ ҳудуд реновацияга киритилган. Бу жараённинг асосий мақсади – эски уйлар ва шаҳар ҳудудларини модернизация қилиш, аҳоли учун қулайлик ва хавфсизликни таъминлаш. Лекин реновация фақат қурилиш эмас, балки комплекс иқтисодий, ижтимоий ва шаҳарсозлик ислохоти сифатида қўрилиши лозим.

Мақолани тайёрлаш жараёнида яна бир маълумотга кўзим тушди. Ҳозир республика бўйича жами 42 мингдан ортқ кўп қаватли уйлар мавжуд бўлиб, уларнинг қарийб 17 мингтаси икки-уч қаватли уйлардир. Шундан 343 таси ҳатто фойдаланиш муддатидан ўтган, техник жиҳатдан авария ҳолатида бўлиб, ҳозирги талабларга мутлақо жавоб бермайди. Жумладан, электр, газ, сув таъминоти тизимлари эскирган. Баъзиларининг ҳатто оқова сув тармоғи ҳам йўқ.

Албатта, бундай вазиятда дунё тажрибасидан келиб чиқиб, реновация дастурини амалга ошириш энг мақбул ечимлардан ҳисобланади.

Агарда эскирган уйларнинг ўрнига замонавий уйлар қурилса, ҳозиргидан 3 баробар кўп аҳоли жойлашишини мутахассислар таъкидлашмоқда. Энг муҳими, уларда инфратузилма бўлади. Янги коммуникация, иссиқ ва совуқ сув, оқова тармоғи уланади. Одамлар барча шароитларга эга, ишончли ва тоза ҳудудларда, уйларда яшайди.

Анвархон ТЕМИРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги ЎзХДП
фракцияси аъзоси:

- Реновация дастурлари 3 босқичда амалга оширилиши кўзда тутилмоқда. Бошида шаҳар ва туманларда реновацияга мос ҳудуд танланиб, лойиҳа ишлаб чиқилади. Уй эгаларига, яъни, мулкдорларга янги уй ёки компенсациялар тақдир қилинади. Албатта, келишувлар яқкама-яқка, нотариал тартибда тасдиқланади. Лойиҳалар учун ҳар бир ҳудудда реновация жамғармалари ташкил этилади.

Кейинги босқичда реновация дастури ҳудудий ва республика кенгашлари томонидан кўриб чиқилиб, қурилиш ташкилоти аниқланади. Охириги босқичда эса уй-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилади.

Реновацияга тушган ҳудуднинг иқтисодий салоҳияти ҳам ошади. Янги уйларнинг 1-2-қаватларида

савдо, хизмат курсатиш ва кичик ишлаб чиқаришлар бўлади. Шунингдек, бу тизим орқали 20 минг гектар ер тежаланиш ҳисоб-китоб қилинган.

Бу аввало, янги шаҳар муҳитини яратиши ва иқтисодий ривожланиш учун ҳам керак. Умуман олганда, реновация Ўзбекистон учун бир нечта стратегик имкониятларни очади.

Биринчидан, янгиланган уй-жой фонди яратилади. Ҳозирги кунда кўплаб турар жойлар 1960–1980 йилларда қурилган бўлиб, уларнинг энергия самарадорлиги паст, коммуникациялари эскирган. Янгиланган бинолар нафақат эстетик, балки техник жиҳатдан ҳам хавфсиз ва барқарор бўлади.

Иккинчидан, шаҳар инфратузилмасини реконструкция қилиш ишлари жадаллашади. Янги йўллар, транспорт йўналишлари, ёнғин хавфсизлиги тизими, яшил ҳудудлар — буларнинг барчаси реновация билан бир вақтда амалга оширилиши мумкин. Бу эса шаҳарларнинг жамиятга хизмат қилиш сифатини оширади.

Учинчидан, иқтисодий динамика кўтарилади. Қурилиш тармоғининг фаоллашуви кўплаб иш ўринларини яратади. Уй-жой бозорида айланма капиталарнинг ошиши, тадбиркорлар учун янги имкониятлар барпо этилиши иқтисодий ўсишга туртки беради.

Яна бир аҳамиятли томони шундаки, бу орқали аҳоли учун қулай ва хавфсиз муҳит яратилади. Кексалар, имконияти чекланганлар ва болали оилалар учун замонавий шароитлар — лифтлар, кенг йўлаклар, қулай ҳовлилар, болалар майдончалари каби инфратузилмалар одамлар ҳаётини енгиллаштиради.

РЕНОВАЦИЯ ВА ҚОНУНЧИЛИК: ТАРТИБ, ҲУҚУҚ, КАФОЛАТЛАР

Эсингизда бўлса, давлатимиз раҳбари 2024 йил 18 ноябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи мажлисида сўзлаган нутқида ҳам «Реновация тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш кераклигини таъкидлаган эди. Бу қонуннинг қабул қилиниши 20 минг гектар ер майдонини тежаб, 4,5 миллион аҳолини уй-жой билан таъминлаш имконини беради.

Жорий йилнинг сентябрь ойда Қонунчилик палатаси депутатлари «Шаҳарсозлик реновацияси тўғрисида»ги қонун лойиҳасини қабул қилиб, Сенатга

юборди. Мазкур ҳужжатнинг зарурати янги турар жойларга нисбатан ўсиб бораётган эҳтиёжни қондириш учун қўшимча ер ресурслари талаб қилиниши билан изоҳланди.

Лойиҳага кўра, реновация иштиёрийлик тамойилига асосланади. Реновация лойиҳасини бошлаш учун барча ҳуқуқ эгалари билан нотариал тартибда келишув имзоланади.

Лойиҳада шаҳарсозлик реновациясини амалга оширишда ҳеч ким суд қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги назарда тутилган. Унга кўра, хусусий мулк дахлсиз ва давлат ҳимоясида экани, давлат хусусий мулкнинг бут сақланишини таъминлаш учун барча зарур шароитларни яратиши, давлат органлари, уларнинг мансбдор шахси ёки хизматчиси томонидан ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқлари бузилишига йўл қўйилмаслиги кафолатланган.

ДУНЁ ТАЖРИБАСИ: РЕНОВАЦИЯ ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?

Реновация кўп давлатларда “эски ҳудудларни қайта тиклаш” эмас, балки “янги шаҳар муҳити яратиш” сифатида кўрилади.

Хорижий тажрибага мурожаат қилсак, Россия, Буюк Британия, Франция, Испания, Италия, Германия, Польша, Жанубий Корея, Япония, Сингапур давлатлари қонунчилик тизимида реновацияни ҳуқуқий тартибга давлат ва хусусий сектор бirlалигида олиб боради. Уларда шу асосда ишлаб чиқилган дастурларга кўра, эскирган уй-жойларни қайта тиклаш, қуриш, модернизация қилиш ишлари амалга оширилади.

Пекин, Бразилия, Европа давлатлари, Буюк Британия, Германия, Чехия ва бошқа кўплаб давлатлар шаҳарларининг биз кўриб турган қиёфаси реновация дастурлари асосида шаклланган.

Кўчирилдиган оилаларга, одатда, қиймати тенг ёки ундан яхшироқ уй берилади, зарур ҳолларда қўшимча компенсация ёки ижара тўловлари билан қўллаб-қувватланади. Бу соҳада давлат ва хусусий сектор бirlалигида ишлайди, инвесторлар учун кафолатлар, солиқ имтиёзлари ва қулай кредитлар тақдир этилади.

Энг яхши амалиётлардан яна бири — шаффофлик. Барча режалар, муддатлар ва инфратузилма ўзгаришлари жамоатчиликка очик тақдим қилинади. Чунки реновация фақат уйлар эмас, балки йўллар, боғлар, мактаблар ва транспорт тизимини ҳам яхшилашга қаратилган комплекс жараёндир.

Шундай қилиб, дунё амалиёти реновацияни инсон манфаати, адолат, хавфсизлик ва очиқлик асосида амалга оширишни талаб қилади.

Реновация – бу фақат биноларни таъмирлаш эмас, балки шаҳар ҳаётини ва аҳоли турмушини тубдан яхшилаш имконияти. Хорижий тажриба реновациянинг ижтимоий, иқтисодий ва экологик самарадорлигини кўрсатади. Бу жараён имкониятлар ва муаммоларни уйғунлаштириб, режалаштирилган, шаҳар ҳаёти ва аҳоли турмуши сифатида катта натижаларга эришиш мумкин.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози”
муҳбири.

ИФТИХОР

ВАТАН ШАЪНИНИ ЖАВОҲИРЛАР ЮКСАККА КЎТАРАДИ

Ҳиндистоннинг Гоа шаҳрида бўлиб ўтган шахмат бўйича Жаҳон кубогида ғолиблик шохсупасига чиққан ўғлонимиз Жавоҳир Синдаровнинг тарихий ғалабаси Ўзбекистон байроғи ўрни фақат юксак-юксакда эканини яна бир бор бани башариятга намойиш этди. Жавоҳирнинг бу ютуғи бош кентимизда барпо қилинган Олимпия шаҳарчасининг тантанали очилиш маросимига тўғри келгани қувонч устига қувонч бўлди. Давлат раҳбарининг чемпионимизни қутлаб, "Ўзбек фарзанди, Янги Ўзбекистон нимага қодир эканини дунёга тараннум қилганинг билан фахрланаман", деган сўзлари мамлакатимиздаги истеъдодли, навқирон авлод эгаларини янада юксак марралар сари руҳлантирди.

**Кимдир дер: "Не янги, нимаси янги?",
Бизда бари янги, ҳаммаси янги.
"Йўл беринг Ўзбеклар келаётирлар!",
Ҳар бир сўзи янги, жумласи янги.**

**Кимдир дер: Не янги, нимаси янги?",
Наҳот кўрмаяпсан, ҳаммаси янги.
Бебаҳо Нодири, Жавоҳирлари,
Карвонлари янги, кемаси янги.**

**Дунё эътирофи, бонглари янги.
Ҳиндистон олқишлади Бобур авлодин,
Унда ҳам Ганга-ю, Жамнаси янги.
Ўзбекдан яхшилик кўрган улар ҳам,**

**"Местир Синдаров – жаноб Синдаров",
Ортга қайтмас йўлбарс ҳамласи янги.
Бизнинг кўчамизда байрамлар янги,
Бизда бари янги, ҳаммаси янги.**

**Зулфия МЎМИНОВА,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган маданият ходими,
"Маърифат" тарғиботчилар жамияти
аъзоси.**

19 ёшли гроссмейстер Жавоҳирнинг жаҳон миқёсида энг ёш чемпионга айланиши деярли ҳар кунги тилимиздан қўймаётган "Қилса, бўлар экан-ку!" деган шукронамизнинг ҳаётий исботи бўлди.

- Биз мураккаб шароитлар кечаётган дунёда яшаяпмиз. Бу эса ёшларимиздан сезгир ва огоҳ бўлишни, ҳар бир масалада, аввало, Ватан манфаатларини ўйлаб иш тутиш зарурлигини талаб этади. Илму маърифатга интилиш, она юртга муҳаббат, оилани муқаддас билиш, маънавий поклик, катталарга ҳурмат, кичикларга шафқат, аждодлар меросига содиқлик ва муносиблик қонимизда бор. Биз, ота-оналар, бобо-бувилар оиламизда мана шу бебаҳо меросларимизга садоқатни шакллантиришимиз керак. Ватанни севишда ёш авлодга намуна бўлишимиз шарт,- дейди Жавоҳирнинг мана шундай миллионлаб инсонлар ҳавас қилгулик ўғлон бўлиб етишишида муҳим роль ўйнаган бобоси Комил Синдаров.

-Набирам Жавоҳирнинг "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи" фахрий унвони билан тақдирланиши оиламиз учун чинакам фахр, - дейди чемпионнинг буvisи, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълоҳисси Жамила Синдарова. - Минг шукр, Жавоҳирим ақл-ирок ўйини – шахматда дунёнинг энг кучлилари ичида пешқадам бўлиб, юзимизни ёруғ қилди. Бу, унинг ўзи айтмоқчи, шахматдаги карьерасининг бошланиши! Ҳали олдинда бизни, халқимизни қувонтирадиган оламшумул ютуқлар кутиб турганига умид қиламиз.

Мен ҳам бир ижодкор ва бу зиёли оилани яхши таниган инсон сифатида

беҳад ғурурландим. Синдаровлар оиласида жуда қаттиқ тартиб ўрнатилган. Сулола бошлиғи Комил Синдаровни таниганлар меҳнаткаш, камтарин, темир интизомли одам, дея таъриф беради. Ҳа, ҳар қандай муваффақиятнинг бошида интизом, қатъий мақсад ва интилиш туради.

Ниҳол илдиздан қувват олади. Худди шундай, ёшлар тарбиясида катталарнинг шахсий намунаси зарур. Унутмайлик, фарзандларимиз томирида буюк аждодларимиз қони оқмоқда. Уларни муносиб тарбиялаш эса бизнинг зиммамизда. Ўзбекистон шон-шухрати олтин авлод елкасида, муқаддас байроғимиз ёшларимизнинг забардаст қўлларида юксакликка кўтарилади. Уларга елкадош, суянч тоғ бўлайлик.



ГАЗЕТХОН МИНБАРИ



МЕН "O'ZBEKISTON OVOZI"GA ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?

Ҳар бир сиёсий кучнинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутadi. Мамлакатимизда ўз ўрни ва мавқеига эга "Ўзбекистон овози" ҳам ана шундай нашрлардан бири ҳисобланади. Унда юртимиздаги улкан бунёдкорлик ва изчил ислохотлар халқимизга етказилаётганидан мамнунмиз. Электорат вакилларини қўллаб-қувватлаш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида Ўзбекистон ХДПнинг нуқтаи назари билан мунтазам танишиб борамиз. Долзарб ва таҳлилий мақолалар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Хорижий мамлакатлардаги сиёсий партияларнинг иш тажрибасидан хабардормиз. Шу боис, газетага қизиқиш ортиб, муштарийлари кўпаяётгани қувонарли.

Ўзбекистон ХДП Шўрчи туман Кенгаши Сурхондарё вилоятидаги салоҳиятли жамоалардан бири ҳисобланади. Худудда 2 минг нафардан ортқ аъзони бирлаштирган 42 та куйи бўғин фаолият кўрсатаётган бўлса, халқ депутатлари туман ва вилоят Кенгашида партиямиздан сайланган 9 нафар депутат иш олиб бормоқда. Бир сўз билан айтганда эса сиёсий куч халқ ишончини қозониб, электоратимиз вакилларининг ҳақиқий таянч ва суянчига айлангани қувонарли. Сафдошларимизнинг бир қисмини кекса авлод вакиллари ташкил этади. Сафимизга кириб келаётган ёшлар сони ҳам кун сайин ортиб бормоқда. Айниқса, хотин-қизларнинг ижтимоий, сиёсий фаоллиги ошиб бораётгани қувонарли, албатта. "Ўзбекистон овози" эса барчамизнинг сеvimли нашримизга айланган.

- Иқтисодий, ижтимоий, сиёсий

йўналишлардаги чиқишларда бугуннинг нафаси ва давр руҳини сезиш мумкин, - дейди Ўзбекистон ХДП Шўрчи туман Кенгаши раиси, халқ депутатлари Шўрчи туман Кенгаши котибият мудир Ботиржон Ражабов. - Демак, сиёсий куч масъуллари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, бошланғич партия ташкилоти етакчилари ва фаоллар учун партиямиз наشري алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади. Бунини тўғри англаган ҳолда яқинда биринчилардан "Ўзбекистон овози"га йиллик обуна бўлдим. Кўп минг сонли тарафдорларимизга ҳам шунини тавсия қилган бўлардим. Зеро, замон билан ҳамнафас ва ҳамқадам бўлиш давр талаби экан, ушбу газета, албатта, ишончингизни оқлашига ишонаман.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
"Ўзбекистон овози"
муҳбири.**



MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

O'zbekiston Ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV

Gulliston ANNAQILICHEVA
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim RAVSHANOV
Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Mустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Г — 1237. 1573 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti — 20:20

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda